



## **“TARIXNI O’QITISHDA TEXNOLOGIYALAR VA LOYIHALASHTIRISH” FANINING PREDMETI, MAQSADI VA VAZIFALARI**



- **1. “Тарихни ўқитишда технологиялар ва лойиҳалаштириш” фанининг предмети.**
- **2. Фаннинг мақсад ва вазифалари.**
- **3. Инновацион технологиялар тушунчаси.**
- **4. Таълим тизимидаги инновацияларни хусусиятларига кўра таснифлаш**



**Фанни ўқитишдан мақсад** – бакалавр-талабаларни “Тарихни ўқитишда технологиялар ва лойиҳалаштириш” фанига оид билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш. Таълим олувчиларга замонавий педагогик технологияларни ўргатиш, шунингдек педагогик маҳорат сирларини очиб беришдан иборат. Шунингдек, умумий ўрта таълим тизимида ўқитиладиган тарих фанининг мақсадини, таълим – тарбия вазифалари, мазмуни, ўқитишнинг метод ва усулларини ўқувчиларга тарихдан пухта билим бериш, уларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш ва камол топтиришда ҳамда тарих ўқитишнинг энг муҳим воситаларини белгилашга мос билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборатдир.

# ИННОВАЦИЯ



**Инновация (инглизча инноватион)-янгилик киритиш, янгилик демақдир.**  
**Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услубларидан фойдаланилади.**



## Таълим тизимидаги инновацияларни таснифлашда қуйидаги хусусиятларга эътибор қаратиш мумкин

- -фаолият йўналишига қараб, назарий ва амалий (педагогик жараёндаги, бошқарувдаги, ўқитиш тизимидаги);
- -киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра (локал, модулли, тизимли, тезкор);
- -келиб чиқиш манбаига кўра (таълим муассасаси жамоаси учун ички ёки ташқаридан олинган);
- -инновациялар, одатда, бир неча муаммо кесишган пайтда вужудга келади ва, умуман, янги масалаларни ҳал қилади, педагогик жараённинг узлуксиз янгиланиб боришига олиб келади. Бу ўринда, муаммолар ва мақсадлар кесишган ҳолатда.
- Янгиликларни жорий қилиш тушунчаси, назаримизда, янгилик ҳамда ана шу янгиликни амалиётга жорий этиш жараёнидир.


**Янгилик** –бу алоҳида олинган шахс учун янги бўлган ғоя, бу ғоя объектив равишда янги ёки янги эмаслиги аҳамият касб этмайди, биз уни вақт бўйича –янгилик очилган пайт ёки ундан биринчи марта фойдаланилган пайтда аниқлаймиз.



# ТЕХНОЛОГИЯ

БИРОР ИШДА,  
МАҲОРАТДА,  
САНЪАТДА  
ҚўЛЛАНИЛАДИГАН  
УСУЛЛАР ВА  
ЙўЛЛАР  
ЙИВИНДИСИ

ИШЛОВ БЕРИШ,  
АҲВОЛНИ  
ЎЗГАРТИРИШ  
САНЪАТИ,  
МАҲОРАТИ,  
ҚОБИЛИЯТЛАР  
ВА МЕТОДЛАР  
ЙИВИНДИСИ



# ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

Педагогнинг ютуқларига кафолат берадиган, аниқ ишлаб чиқилган ва илмий лойиҳалаштирилган босқичма босқич амалга ошириладиган педагогик ҳаракатлар тизими

Педагогиканинг санъат, маҳорат даражасидаги соҳасини ўрганувчи фан

Педагогнинг ютуқларига кафолат берадиган, педагогик жараённи амалиётда режали ва бир маромда тадбиқ этиш тизими





**Педагогик  
технологияларни  
қўллаш доираси**

Ҳар бир фаннинг давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, дастурлари асосида фаннинг мақсад ва вазифаларига мос бўлган педагогик технологиялар ва интерфаол методларни қўллаш тавсия этилади. Бу жараёнда асосан ўқитувчи, ўқувчи ва таълим воситалари иштирок этади.

# Таълим воситалари олтига турга бўлинади:

---

- 1. Матнли воситалар;
- 2. Тасвирли воситалар;
- 3. Аудио визуал воситалар;
- 4. Ёрдамчи (жиҳоз) воситалар;
- 5. Моделли воситалар;
- 6. Реал воситалар.





## Инновацион технологиялар ва методлардан намуналар

**«Бумеранг» технологияси**  
**“Идрок харитаси” методи**  
**«Зинама -зина» технологияси**  
**«Муаммо» технологияси**  
**«Лойиҳалаш» технологияси**  
**«Дебатлар» технологияси**  
**«Чархпалак» технологияси**  
**«Икки қисмли кундалик» методи**  
**«Кластер» методи**  
**«Инсерт» технологияси**  
**«Муаммоли вазият» технологияси**  
**«Хулосалаш» (Резюме) технологияси**  
**«ЎҚУВ ЦИКЛИ» технологияси**  
**“Ассесмент” технологияси**

## Тарих ўқитиш методлари классификацияси

Методларни қуйидаги икки катта  
йўналишга таснифланади:

*-Билиш (англаш) манбаига кўра:* оғзаки,  
босма матнлар билан ишлаш, кўрсатмали,  
амалий методлар;

*-Билиш (англаш) фаолиятининг  
босқичларига кўра:* иллюстратив  
тушунтириш, репродуктив (тайёр билим  
бериш), муаммоли, қисман изланиш,  
илмий-тадқиқотчилик.



**Ҳикоя.** Баён шаклидаги ҳикояда ўқитувчи ўқув материали мазмунини турлича айтади, унинг асосий ва иккинчи даражали хусусиятларини изоҳлайди.

**Маъруза** жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш мақсадида ўқитувчи ўз нутқини кўрсатмали қурол, муаммо ва топшириқлар билан уйғунлаштиради.

**Суҳбат.** Суҳбат ўқитувчи ўқувчининг ўзаро таъсири диалог шаклидаги таълим методидир. Унда мавзу мазмунига хос, атрофлича ўйланган, бир-бирига боғлиқ саволларни қўйиш ва саволларга жавоб излаш ҳамда жавоб қайтариш йўллари билан ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ўзаро мувофиқлашади.

**Кўрсатмали методнинг қуйидаги турлари мавжуд:**  
***Иллюстрация методи*** – (матндан бошқа барча компонентлар) хариталар, расмлар, чизмалар, жадваллар, схемалар, диаграммалар, доскадаги ёзувларга диққатни тортиш.

***Намойиш (демонстрация) методи*** – киноаппарат, АКТ ва бошқа видеотасвирлардан фойдаланиб турли тасвирларни намойиш қилиш.

***Табиий кўрсатмали қуроллар*** – нарсаларнинг ўзи, предметлар, муляжлар, одамлар томонидан тайёрланган иш қуроллари, макет, муляж ва бошқаларни кўрсатиш.



## Харита ва уларнинг турлари

Тарихий харита билан ишлаш географик муҳитга характеристика беришнинг асосий методини ташкил этади. Тарихий хариталарда мавзу ва воқеа-ҳодисалар, жараёнларнинг мазмуни, давлатнинг чегаралари ва бошқалар берилди. Тарихий карталарнинг бир неча турлари бор: *тарихий иқтисодий, тарихий этнографик, археологик, тарихий-сиёсий, ҳарбий-тарихий, тарихий-маданий.*



# Эътиборингиз учун раҳмат!

